

## ХОРИЖ ЧЎЛПОНШУНОСЛИГИ ХУСУСИДА

Дилафрўз ЖАББОРОВА

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Самарқанд давлат чет тиллар институти

[jabborova2004@mail.ru](mailto:jabborova2004@mail.ru)

Хорижлик олимларнинг жадид адабиётига, хусусан, Чўлпон ижодига қизиқишлари ўтган асрнинг 20-йилларидан бошланган. Дастлаб, Туркия ва Олмонияда, кейинчалик, Америкада олимлар жадидларнинг асарларини ўз она тилларига таржима қилиб, матбуотда чоп этириб, турли-туман талқинларини яратишган. Бу талқинлар шўро даври ўзбек адабиётшунослигида асосан мафкуравий ёндашув асосида баҳолаб келинган бўлса, Истиқлол йилларига келиб ўзининг холис талқинларига эга бўла бошлади. Бундай баҳони хориж чўлпоншунослигига бағишланган мақолаларда ҳам кузатамиз.

Истиқлолдан кейинги давр танқидчилигида хориж чўлпоншунослиги муҳим мавзулардан бирига айланди. Бу мавзуга доир мақола ва тадқиқотларда хориж чўлпоншунослиги бир неча аспектда ўрганила бошланди. Жумладан, адабиётшунос Д.Қуронов “Жаҳон адабиётига йўл” (1, 166-170) мақоласида Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари ифодаланган “Адабиёт надур”, “Муҳтарам ёзғучилармизга”, “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик” каби мақолалари таҳлилидан келиб чиқиб, XX аср бошидаёқ жадид адабиёти вакиллари “...замонавий ўзбек адабиётига асос солиб, миллий адабиётимиз ривожини жаҳон адабиётининг тараққиёт ўзанига буриб юбор”ганини (1) таъкидлайди.

Мақолада Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари европалик маърифатчилар, хусусан, Дидро, Лессинг сингари адибларнинг қарашларига уйғун экани ишонарли далиллар билан асосланган. Жумладан, Чўлпон адабиётга оид таърифларида “бир томонидан, унинг кўнги оламига тегишлилигини, иккинчидан, ижтимоий ҳаёт (“маишат кетиши”) билан боғлиқлигини таъкидлайди” (1), деб ёзади Д. Қуронов. Тадқиқотчининг хулосаларидан аён бўладики, Чўлпон адабиётни, аввало, сўз санъати эканини, у жўн бўлмаслиги, халққа тушинарли бўлиши, иккинчидан, халқнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларига хизмат қилиши лозимлигини назарда тутган. “Рус ва Овропо адабиёти намуналари билан яқиндан танишган ёш адиб (Чўлпон – Д.Ж.) реалистик адабиётнинг жозибасини, унинг ижтимоий ҳаёт муаммоларини англаш ва англаиш имкониятларини теран ҳис қилади, айнан шундай адабиёт яратиш, унинг воситасида миллатнинг равнақи йўлида хизмат қилиш ниятларини дилга тугади” (1), – деб ёзади Д.Қуронов.

Ушбу мақола ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётидаги илғор тенденцияларга ҳамоҳанглигини, бу жараён 20-йилларда Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашларида акс этганини кўрсатадики, замонавий адабиётимизнинг жаҳон адабиётига солган йўли бошида Чўлпондек улуғ шоир турганининг эътирофи ҳар томондан тўғри ва ишонарлидир.

Танқидчиликда хориж чўлпоншунослигини ўрганишга доир махсус илмий тадқиқотлар, илмий-оммабоп рисоалар ҳали яратилмаган бўлса-да, айрим илмий ишларда, хусусан, XX аср бошидаги ўзбек адабиётининг чет элларда ўрганилишига бағишланган тадқиқотларда Чўлпон ижодига хорижлик олимларнинг муносабати ҳам ёритилган. Жумладан, шоир ва адабиётшунос Тохир Қаҳҳорнинг “20-30 йиллар ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши” (3, 10) мавзусидаги илмий ишида туркиялик тадқиқотчиларнинг Чўлпон ижоди ҳақидаги мақолалари ўрганилган.

Ушбу тадқиқотида муаллиф 20-30 йиллар ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши масаласини Чўлпон, Фитрат, Элбек сингари истиқлол ғояларини куйлаган шоирлар ижоди мисолида ёритишни мақсад қилган. Тадқиқотчи З.В.Тўғон, У.Хўжаўғли, Т.Чиғатой, Б.Ҳайит, Ҳ.Ўзбой сингари олимларнинг тадқиқотлари, Туркияда чиқадиган “Йени Туркистон”, “Ёш Туркистон”, “Турк тили” каби журналлар ҳамда ўнлаб илмий, илмий-оммабоп асарларни таҳлил учун манба сифатида қиёсий ўрганган.

Тадқиқотда ўзбек адабиётининг Туркиядаги илк тадқиқотчиси сифатида Усмон Хўжа ўғли тилга олинади ва унинг “Йени Туркистон” журналида босилган “Туркистонда турк адабиётининг мафкуравий ўзгаришларига умумий бир қараш” мақоласи таҳлилга тортилади. “Муаллиф, – деб ёзади Т.Қаҳҳор, – жумладан, мустамлакачиларга қарши ҳаракатлар миллий мафқурани, халқчиликка ва бу янги мафқурага таянган янги адабиётни яратди, дейди” (3, 10).

Ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилишида профессор Тохир Чиғатойнинг “Туркистонда туркчилик ва халқчилик” китоби (1954) алоҳида ўрин тутишини таъкидлаб, тадқиқотчи эътиборини ушбу китобнинг Туркистондаги ижтимоий-адабий фикр ривожидида бир қатор жаҳид адиблари қаторида Чўлпоннинг ҳам ҳиссаси унинг ижоди мисолида кўрсатиб берилганини қайд этади.

Анқарада босилган Боймирза Ҳайитнинг “Туркистонда ўлдирилган туркий шоирлар” китобини Т.Қаҳҳор 20-30 йиллардаги Туркистонда кечган адабий жараённи ижтимоий-тарихий нуқтаи назардан ёритган асарлар сирасига киритади.

Тадқиқотда доктор Ҳусайн Ўзбойнинг “Чўлпоннинг шеърлари” номли тадқиқотига кенг тўхталган Т.Қаҳҳор бу салмоқли ишнинг ўзбек олимлари В.Маҳмуд, А.Саъдий, О.Шарафиддинов, Н.Каримовнинг Чўлпон ҳаёти ва

ижодига бағишланган мақола ва китобларида баён этилган қарашларга қиёслаб таҳлил этган.

Турк олими Ҳ.Ўзбойнинг чўлпоншуносликда эришган бу ютуғи, яъни тадқиқотининг қимматли жиҳатини Т.Қаҳҳор қуйидагича изоҳлайди: “Ўзбойга кўра, Чўлпоннинг фазилати адабиётдаги санъати билан ҳаётдаги курашини тенг олиб борганида, табиат туғдирган лирик ҳис-туйғуларини жамият масалалари, истиқлол ва ҳуррият ғояларини англаштириш орқали акс эттирганида кўринади” (3, 17). Тадқиқотдан маълум бўлишича, Ҳ. Ўзбой Чўлпон шеърятининг шаклий ва мазмуний хусусиятларини текширишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. У шоирнинг 119та шеърини таҳлил қиларкан, уларнинг структурасига – банд ва мисралар сонига, қайси вазнда ёзилганига қараб туркумларга ажратиб ўрганган. Чўлпон шеърятининг ғоясини белгилашда эса шеърларини саккиз мавзуга бўлиб таҳлил қилган. “Жумладан, ишқ; хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволи; табиат, мавсум; эрк, мустақиллик ва кураш; ёлғизлик, умидсизлик ва бадбинлик; хатолик ва ўлим, шахснинг шахсий ҳаётига боғлиқ мавзулардаги шеърларни” турк олими қай даражада ўргангани Т. Қаҳҳор тадқиқотида очиқ берилган.

Маълумки, хориж чўлпоншунослигида, асосан, шоир ижоди, асарлари таҳлилида ижтимоий-сиёсий, маданияй-маърифий талқин устунлик қилади. Айрим ишларда ҳатто Чўлпоннинг соф лирик шеърлари ҳам ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан текширилади. Шунинг назардан тутсак, Ҳ.Ўзбойнинг Чўлпон шеърятини тадқиқотида шоирнинг маҳорати, санъаткорлигига эътибор қаратгани эътирофга лойиқ. Турк олимининг тадқиқотига хос айтиш мумкин, Ҳ.Ўзбойнинг Чўлпон шеърятини тадқиқотида шоирнинг маҳорати, санъаткорлигига эътибор қаратгани эътирофга лойиқ. Турк олимининг тадқиқотига хос айтиш мумкин, Ҳ.Ўзбойнинг Чўлпон шеърятини тадқиқотида шоирнинг маҳорати, санъаткорлигига эътибор қаратгани эътирофга лойиқ. Турк олимининг тадқиқотига хос айтиш мумкин, Ҳ.Ўзбойнинг Чўлпон шеърятини тадқиқотида шоирнинг маҳорати, санъаткорлигига эътибор қаратгани эътирофга лойиқ. Турк олимининг тадқиқотига хос айтиш мумкин, Ҳ.Ўзбойнинг Чўлпон шеърятини тадқиқотида шоирнинг маҳорати, санъаткорлигига эътибор қаратгани эътирофга лойиқ.

Хориж чўлпоншунослигига доир қарашлар тадқиқотчи Зулхумор Мирзаеванинг “XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” (2, 5) номли китобида ҳам акс этган. Тадқиқотчи ўз ишида асосий диққат-эътиборини ўзбек жаҳид адабиётининг Америкада ўрганилиши масаласига қаратади. Китобга ёзган кириш сўзида академик Бахтиёр Назаров таъкидлаганидек, “Жаҳид адабиётимизнинг хорижда ўрганилиши хусусида турли даражадаги алоҳида мақолалар мавжуд эса-да, ўзбек жаҳид адабиётининг Америкада ўрганилиши деган муаммо яхлит равишда, умуман, халқаро миқёсда ҳам илк бор тадқиқ этилмоқда. АҚШнинг ўзида ҳам бу йўналишдаги ишга қўл урилган эмас”.

Ушбу эътирофдан ҳам З.Мирзаеванинг мазкур тадқиқоти муҳимлиги ва долзарблиги англашилиб турибди.

Монографияда америкалик жаҳидшунослар ва жаҳид адабиётини ўрганувчилар изланишлари тадқиқотчи томонидан уч гуруҳга бўлиб ўрганилган. Булар: америкалик катта авлодга мансуб (Э.Олворт, А. Бенингсан, Э.Уимбуш, Д.Монтгомери) олимларининг тадқиқотлари; ўрта бўғинга мансуб

тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари ва янги авлод жадидушуносларининг тадқиқотлари.

“Америка тадқиқотчилари 1960 йиллардан 1980-1990-йилларга қадар кўпроқ Чўлпоннинг сиёсий руҳдаги шеърларини ўрганишга ва инглизчалаштиришга эътибор берганлар. Жумладан, Э. Олворт “Бузилган ўлкага”, “Бас энди” каби шеърларни инглиз тилига ўгириб, кенг таҳлил қилган” (2, 39), деб ёзади З.Мирзаева.

Монографияда бошқа жаҳид адиблари асарларига америкалик тадқиқотчиларнинг қандай аспектда ёндашганлари ва жаҳид адабиётдан инглиз тилига қилинган таржималар савияси кенг планда таҳлил этилган. Таҳлилга кўпроқ йирик жанрдаги асарлар – М.Бехбудийнинг “Падаркуш”, А. Қодирий романлари ва кичик жанрдаги асарлари, Фитрат асарларига америкалик мутахассисларнинг муносабати, фикр-қарашлари объект қилиб олинган. Биз, мавзумиз доирасида, монографияда Чўлпон шахси ва асарларининг америкалик олимлар томонидан таҳлил ва талқин этилгани, қай тарзда очиб берилганига эътиборни қаратишни лозим топдик.

З.Мирзаева ўтган асрнинг 50-70 йилларида америкалик мутахассислар жаҳид адабиёти намуналарига, асосан, сиёсий нуқтаи назардан ёндашганларини таъкидлайди. Жумладан, Э.Олвортнинг “Ўзбек адабий сиёсати” монографиясида Чўлпоннинг “Куз” номли шеъри талқинида ижтимоий-сиёсий оҳанг устуворлигини айтиб, шеър мазмунини Туркистон тимсоли ифодаси, дея бир қадар торроқ изоҳлаганига эътиборни қаратади. Айни шу шеърнинг ўзбек адабиётшунослари Н. Каримов ва Б.Қосимов томонидан қилинган талқинларини Э. Олворт қарашларига қиёслаб, Чўлпон шеърида “Шарқ эли” деганда Россия империяси зулми остидаги бошқа бошқа туркий халқларни, Англия исканжасидаги ҳинд халқини ҳам назарда тутганини ўзбек олимлари тўғри талқин қилганларини қайд этади. “Э.Олворт ўз тадқиқотларида – деб ёзади З. Мирзаева, – Чўлпон, Фитрат, Қодирий, Бехбудий, А. Авлоний, А. Мажидий, Ғ.Зафарий, Боту каби жаҳид ижодкорларининг асарлари таҳлиliga махсус тўхталган. Бироқ улар аксар ўринларда асосан сиёсий мақсад доирасида туриб таҳлил қилинган” (2, 86).

“Жаҳид адабиёти намуналарининг инглизча таржималари”(2,127) деб номлаган боби З.Мирзаева монографиясининг салмоқли қисми, дейиш мумкин. Тадқиқотчининг фикрича, жаҳид адабиёти намуналарини инглиз тилига таржима қилиш ҳаракати 50-йиллар охири – 60-йиллар бошига тўғри келади. Илк таржималар ҳам, асосан, ўзбек жаҳид адабиётининг америкалик тадқиқотчилари – Э.Олворт, В. Хоновей, Ж.Соупер бўлишган. Хусусан, Э.Олворт жаҳид адиблари қаторида Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” номли шеърини инглизчага таржима қилган.

Тадқиқотчи Чўлпон шеърларидан қилинган таржималар савиясига эътибор қаратиб, муайян бир шеърнинг икки ёки уч таржимон томонидан бажарилган таржима вариантларини асарлардан олинган ўзбекча ва инглизча парчаларни келтириб қиёслаб таҳлил қилади. Мисол учун, Э.Олворт таржима қилган “Бас энди” шеъри таржимаси турк таржимони Темур Хўжа ва ўзбек таржимони А.Обид вариантларига таққосланади. Бу қиёслардан чиқарилган хулосалар: Э.Олворт таржимасида мисралар чалкаштирилгани, янги бир тўртлик қўшилгани, Темур Хўжа ва А.Обид таржималарида эса таржимонлар шоирнинг руҳияти, ҳолатига мос тарзда фикрлаб, пухта таржимага эришганликлари ишонарли тарзда далилланади (2). Тадқиқотчи фикрини асослаш учун шеърдаги айрим калит сўз ва ибораларни ўзбек ва инглиз тилидаги синонимларидан таржимонлар қандай фойдаланганини кўрсатиб беради.

Монографияда Чўлпон шеърлари таржимасига алоҳида эътибор қаратилиши ўзбек танқидчилигида хориж чўлпоншунослигининг янги саҳифаси очилганидан далолат беради. Зеро, хориж чўлпоншунослигининг кўлами фақат шоир шахси ва фаолияти ёки асарлари талқини билан чекланмайди. Шулар билан бирга Чўлпон асарлари таржималари тарихи ва савиясини ўрганиш борасидаги хориж чўлпоншунослиги фаолиятининг ўзбек танқидчилигида тадқиқ этилиши масаласи ғоят муҳим ва долзарб вазифалари сирасидандир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Д. Куронов Жаҳон адабиётига йўл. Жаҳон адабиёти. 1997 йил, 6-сон. – Б.166-170.
2. З. Мирзаева XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Тошкент. Фан нашриёти, 2011 йил. 5- бет.
3. Т. Қаҳҳор. 20-30-йиллар ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши. Филол. фанлари ном ... дис, афтореф. – Тошкент. 2004 йил, 10-18бет.